




Академик Аҳмадали Асқаровни Ўзбекистонда илм аҳли яхши билади. Унинг ғайриинсоний одатлари, номардлиги ва илмда ноҳалоллиги ўз доирасига беш қўлдай маълум.

Шу одам “Ўзбек халқининг келиб чиқиши” деган китоб ёзди. Китоб сафсатадан иборат. Муаллиф юзлаб китоблардан фойдаланган. Аммо китобда умуман фикр йўқ, балки қуруқ “цитаталар” мавжуд.

“Цитаталар”нинг 80 фоиз рус тарихчилари китобларидан кўчирма. У шу йўл билан “Ўзбек халқининг келиб чиқиши”ни аниқламоқчи бўлган. “Ўзбек миллатининг менталитети” тўғрисида тўхталган муаллиф зардуштийлининг халқ характерида тутган ўрнини гапиради, аммо ислом динини унутди. Гўё 1300



маълумотлар сақланган.

Тарих – воқеаларнинг тизилган занжири эмас. Тарих – бирор халқ, миллатнинг ёки умумий олсак, инсоният тафаккуридаги эврилишлар, руҳияти – маънавиятидаги ўзгаришлар силсиласи, жараёнидир.

Шу маънода, ўзбек халқи тарихини ёзишга киришган олим шу масалани бирламчи деб белгилаб олиши шарт. Аммо Асқаров ва унинг типидagi одамлар (олимлар) бу тушунчадан йироқ. Улар бир миллатнинг келиб чиқиши бошқаси билан боғлиқлиги ёки аксинчалиги ҳақида бемаъни ва фойдасиз баҳслардан бўлак ишга ярамайдилар. Улар шунчаки воқеаларнинг баёнини, исм ва атамаларнинг бўтқасини тарих деб ўйлашади. Улар халқнинг

“ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ”

йил давомида ўзбек миллати ислом динидан беҳабар бўлган!

Аслида, ўзбек миллатининг – ўзбек халқининг келиб чиқишини туркийлар тарихисиз қандай тасаввур қилиш мумкин? Албатта, Каримовнинг ғояси – ўзбек халқини туркийлардан ажратиб олиши ғоясини исботлашга умрини атаган Асқаровда бундай фикр бўлиши маҳол.

Мазкур “салмоқли” тадқиқот ўзбек тарихшунослиги ортга кетганига бир исботдир. Зотан, ўз тарихини ўзгалардан ўрганишга тиришганларни қандай баҳолаш мумкин?!

Асқаровнинг китобини таҳлил қилиб, унинг камчиликларини кўрсатиб беришга зарурат йўқ, чунки китобнинг ҳар сатри аҳмоқона жумлалардан иборат. Бир-бирига уйкашмаган, ўқувчини чалғитадиган ва маъносисиз гаплар китобда тўлиб-тошиб ётибди. У ўзбек халқининг асосий тарих китоблари–Наршахийнинг “Тарихи Наршахий”, Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонкушойи”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” (бир номдаги икки асар), Улуғбекнинг

“Тўрт улус тарихи”, Навоийнинг “Тарихи мулуки аҷам”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Мажмаи баҳрайн” Бобурнинг “Бобурнома”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома”, Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк”, “Шажарайи тарокима”, Муниснинг “Фирдавсул иқбол”, Огахийнинг “Равзатус сафо” ва шу каби тарихчиларнинг асарларини нима учундир тилга ҳам олмаган.

Совет мафқураси бу китобларнинг асосий қисмини илмийликдан йироқ ва афсона, муболағалардан иборат деб билар эди. Ҳолбуки, ўзбек тарихини, унинг келиб чиқишини бу асарлар орқали ўрганмасак, яна қайси йўл билан тиклаш мумкин?

Ўзбек мумтоз адабиётида яратилган катта маснавий – дostonларда, ахлоқий рисолаларда, шунингдек, ақида, фикх, тафсирга оид китобларда, турли даврларга оид миниатюра суратларида, умуман, маънавий ва моддий шаклдаги ёдгорликларнинг ҳар бирида халқимиз тарихининг бирор қирраси акс этган. Уларнинг ҳар бир саҳифасида халқимизнинг эътиқоди, яшаш тарзи, тафаккур даражаси ҳақида саҳиҳ

тарихини шу заминдан эмас, бегона жойлардан ахтардилар.

Бугун ўзбек халқи ўз тарихини билмайди. Ота-боболари қандай яшаган, нималарни фикрлаган, нималарни орзу қилган – барчасидан беҳабар. Ҳатто, бу халқ ўз ўтмишини ёмон кўради, ундан нафратланади. Бу нафрат салкам 200 йилдан буён давом этиб келаётган мустабидларнинг ҳаракатлари мевасидир.

Умуман олганда, тарихни шу заминдаги ўтмиш ёдгорликлари асосида яратиш унутилган. Халқ чинакам тарихдан узиб қўйилган. Бугун ўзбек халқи Бухорий, Термизий, Форобий, Улуғбек, Навоий каби даҳоларнинг номларини тўтиқуш каби такрорлашни билади, холос. Уларнинг асарларини ўқиш, мағзини чақиш ва боболари каби фикрлаб, уларнинг юксак орзулари билан яшаш неъматидан эса маҳрумдирлар. Чунки номлари улуғланган бу даҳоларнинг номлари улуғ, холос. Уларнинг асарлари ва асарларидаги ғоялар эса – “запрет”да – таъқиқда. Чунки у ғояларнинг барчаси бугунги

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдиги саҳифада)

Каримов ҳукумати ва унинг тузуми учун қаршидир. Керак пайтда, ўша гоёлардан бирор қисми олинади ва сиёсат йўлида ишлатилади. Хусусан, шу кунларда таваллуд кунлари нишонланаётган Навоий ва Бобурлар каби.

Бу йил Навоийнинг 575 йиллик тўйи қилинмоқда. Совет давридан қолган сарқитга мувофиқ, Ўзбекистонда фақат маълум баъзи бир йиллар – чиройли кўринишдаги рақамлар учун тўй қилинади. Масалан, 570, 575, 580 каби. Шу каби рақамлар арафасида Навоийни ёки бошқа бирор шахсни эслайдилар, кўтар-кўтар қиладилар, ТВ, радио, матбуот фақат шу ҳақда гапириб одамларни безитиб ташлайди. Асл ҳақиқат ҳам шунда – Ўзбекистонда деярли ҳамма – расмий доирадаги барча одамлар, олимлар, зиёлилар Навоийдан фақатгина мақола ёзиш, ном қозониш, давр сиёсатини мақбуллаш учун фойдаланишади.

Улар Навоийни қалб билан, истак билан, руҳ билан ўқимайдилар, завқланмайдилар. Бутун мамлакат Навоийнинг номини хўр бўлиб, жўр бўлиб тақрорлайди, аммо Навоийнинг “нун”и ҳақида ҳам тасаввурлари йўқ.

ТВда артистларга, калласи бўм-бўш отарчиларга Навоийнинг ғазалларини ўқитадилар, аммо улар нима деётганларини ўзлари фаҳмлашмайди.

Чинакам истак билан халқ маънавияти учун курашаётган умидсиз кайфиятда, аммо қўлдан келганишудебтиришаётганларнинг сони кўп эмас – борса, беш-ўн киши. Қолган олимлар – бутун Республика мансаб, қорин, бойлик ва жон сақлаш қайғусидадир.

Дарвоқе, биз гапни Аскаронинг бемаъни, бир неча тонналик макулатурадан бўлак нарсага ярамайдиган 5000 нусхада чиққан, қалин муқовали, беш юз бетдан ошиқ китоби ҳақда гап бошлаган эдик. Бу каби лўттибоз “тарихчи”лар қўлида қолган миллатнинг эртаси шу кетишда яхши бўлмаслиги аниқ.

Аммо ёруғ кунлар сабрлилар учундир – чинакам халқ фарзандлари кутган онлар яқин. Ўзбекистон ўзининг фидойи ўғлонлари жасорати сабабли бир куни росмана озодликка, хурликка эришган кундан бошлаб, барча ёлғонларнинг ўрнини ҳақиқатлар олажак, иншаОллоҳ.

Абдуллоҳ Нусрат



“Соғлом она ва бола” йилининг илк каромати

*ёхуд
Наманганлик Дилмурод
ЖУМАБОВЕВга жавоб*

Исмаат Хушевнинг “Дунё Ўзбеклари” сайтида 2016 йилнинг 5 февраль куни эълон қилинган наманганлик юртдошимиз Дилмурод Жумабоевнинг “ОЗОДЛИК”КА: МАҲАЛЛА БУ – ҚОНУН ДЕМАҚДИР!” сарлавҳали эътирозларига кўзим тушиб қолди.

Дилмурод Жумабоев “Озодлик” радиоси орқали эфирга узатилган “Маҳаллага қонун йўқми?” мавзусидаги жонли суҳбатга ўз эътирозларини билдираркан “... Маҳалла бу ўзбекнинг ўзидир, маҳалла бу ўзбек халқининг турмуш тарзидир..” дея қуйиб-пишадилар. Ва қуйди-пишдиларининг хотимаси ўлароқ “Маҳалла бу – қонун демақдир!” деган хулосага келадилар.

Наманганлик юртдошимизнинг илгари суришга интилган иддаоларига ҳеч бир эътирозим йўқ. Мадомики, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги хусусида гап борар экан, жамиятимизнинг бир бўлаги сифатида Жумабоев ҳам ўз шахсий қарашларини баён этишга ҳақли, албатта.

Мен... Ўзбекистон ичида истиқомат қиляётган шахс сифатида Дилмурод Жумабоевнинг айтиш жоиз бўлса мақоласидаги “...Маҳалла бу ўзбекнинг ўзидир,

маҳалла бу ўзбек халқининг турмуш тарзидир..” деган иддаоларининг нечоғлик “ҳақиқат” эканлигини ҳаётий далиллар асосида тўлдирмоқчиман, таҳлил қилоқчиман, янаям тўғрироғи исбот қилиб бермоқчиман.

Наманганлик Дилмурод Жумабоев минг қарра ҳақ. Ҳақиқатдан ҳам “Маҳалла бу – қонун демақдир”. Мамлакат ичидаги маҳалла деб аталмиш бу кичик бир мамлакатнинг ўз ёзилмаган темир қонунлари бор. Қандай дейсизми? Қантдай!

Бу ҳақда мендан эмас, маҳалла фуқароларининг сўзларидан эшитганингиз маъқулроқ, назаримда.

КФЙимизда икки ёшчага бўлган болаларнинг нафақа пулини чиқариб бериши 100 доллар туради - дейди Дилоро Қурбонова

Суҳбатдошимиз Қурбонова лоф қиляётган бўлса керак деган ўйга борайлик десак, қўшни Роват қишлоғида яшовчи Гулноза Раҳматова ҳам Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани “Зарафшон” кишлоқ фуқаролар йиғини 2 ёшгача бўлган болалар нафақасига эришиш нарх-навосини, баҳосини 100 АҚШ доллари қилиб белгилаганлиги ҳақидаги тумандоши Д.Қурбонovanинг сўзларини тасдиқлади.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Гулнозага кўра, 8 ойлик фарзанди касалманд бўлишига қарамасдан “Зарафшон” ҚФЙ масъуллари 2 ёшгача бўлган боласига нафақа пули тўғрилаб беришлари учун ундан 100 доллар пора талаб қилишган.

Мана, “маҳалла бу – ўзбекнинг турмуш тарзи” деганлари айнан мана шу бўлади. “Маҳалла бу – қонун” деганлари ҳам шу бўлмасин тагин?

Нима, Қиётлик Дилора Курбонова, ва ё Роват қишлоғида истиқомат қилувчи Гулноза Раҳматова сизу бизни алдаяптимикин? Сухбат двомида овоз оҳанглирида ёлғонни сездингизми?

Ана энди айтингчи, ким атрофдагиларни алдашга

уринмоқда? “Маҳалла бу – қонун” муаллифи наманганлик Дилмурод Жумабоев ёлғончими, ва ё самарқанднинг Оқдарё туманида истиқомат қилувчи Гулноза ва Дилора алдоқчими?

Биз мазкур масала юзасидан “Зарафшон” қишлоқ фуқаролар йиғинига бордик. Бироқ бинода таъмир ишлари кетаётганлиги сабабли на ҚФЙ раисини ва на маслаҳатчини, на ҳисобчисини топа олмадик. Эшиқлар тақа-тақ берк эди.

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистондаги ҚФЙ ва МФЙда ҳар бир ишнинг, ҳатто ҳар қандай бир парча маълумотноманинг ҳам ўз нархи, навоси бор.

Бироқ наманганлик Дилмурод Жумабоев нега ҳамма билган ҳақиқатни инкор қилишга интилгани қизиқ....

Асл ҳақиқат шундаки, Ислому Каримовнинг “соғлом она, соғлом бола керак мамлакатга” деган иddaоси оламини бузаётган айни бир пайтда президентнинг ўзи “ўз-ўзини бошқариш” ҳуқуқини бериб қўйган маҳаллаларининг ҳолини кўринг. “Ўз-ўзини бошқариш” деганлари нарх қўйиш, хизмат баҳосини ноқонуний ошириш деганими? Порахўрликка, таъмағирликка тамал тоши қўйиш деганими?

Йилни биргина “Соғлом она ва бола йили” деган баланд парвоз, жимжимадор номлаш билангина муаммолар ҳал бўлиб қолмаслигини, бирор бир иш битмаслигини Ислому Каримов қачон англаб етаркин-а?

Малоҳат Эшонқулова
мустақил журналист, ҳуқуқ фаоли

2016 йил февралнинг бешида Тошкент вилояти ҳокими алмашди. Каримов Зангиота тумани ҳокими Абдуллаев Содиқни вилоятга ҳоким қилди.

Бу шунчалик зерикарлики, гапириб бераётиб эснаб юборгинг келади – Каримов эски ҳокимни нажасга белаб бўшатди, уни роса ёмонлади, бундай ҳокимни тайинлаганимдан жуда хижолатдаман деди, кейин яна оғзига нима келса, шуни алжиради.

Вилоят “депутат”лари Каримов янги ҳокимни бўшатамизми деб сўраганда, узоқ ўйлаб, охири ҳа дейишди ва юз фоиз қўл кўтаришди.

Янги ҳокимни тайинлаймизми деб сўраганда яна узоқ тафаккур қилиб, бир овоздан “рози бўлишди”.

Сиёсий қисм тугаб, бадий қисм бошланди: вилоят қишлоқларидан чиққан бир спортчи, бир дўхтир, бир фермер, бир оқсоқол ва яна бир-икки одам Каримовни макташди. Улар ўзлари кеча-кундуз ойнага қараб ёдлаган “монологларини” Каримов қаршисида муваффақиятли ижро этдилар.

Қайси бири ифодани жойига қўйган бўлса, Каримов тўлқинлаб кетиб, ўрнидан туриб кучоқлаб, ўпиб ҳам қўйди.

Битта девдай барзанги фермер Каримовга сиз 90-йилларда от миниб Бўкага келгансиз, биз билан учрашгансиз деб йиғламсираганда Каримов завкланиб кетди:

“Очиғини айтсам, отдан кўрқаман, аммо ўша пайт шунақа эдики, от у ёқда турсин, арслонни ҳам жиловлаб минардим!” – деб



Отдан кўрққан Каримов

мақтаниб оғзи кўпирди.

Ҳамма бундан таъсирланди.

Аммо ҳеч ким нега шу пайтгача яна от миниб далага чиқмаяпсиз деб сўрамади. Ахир, ота қариб қолган, от минолмайди, устига устак отдан кўрқади, от миниши учун камида Бўкадаги каби вазият бўлиши керак. Аслида, от миниш ҳам керак эмас, танк юборади – мингта отнинг иши битади.

Вилоятнинг собиқ ҳокими Мирзиёев Шавкат акага ёқмай қолганди. Шавкат ака сени йўқотаман деганди – йўқотди. Буни Каримов ўтказган йиғилишда ўтирганларнинг ҳаммаси билар эди, албатта. Аммо ким ҳам буни айта оларди?

Чунки Каримов бирор вилоятга бирор ҳокимни уч-тўрт йилдан ортиқ қўймайди. Кўнгилдагидек ишласа, бошқа ёққа ҳоким қилади, ёқмай қолса, бир тепади – чиқмайдиган бўлиб ер тагига кириб кетади. Чунки – бу анча ҳақиқатдан йироқ бир тахмин, аммо Каримовнинг ўйлови шу – сал кўп муддат ишлаган ҳоким шу

ерга илдиз отиб, тарафдор тўплаб, обрўси ошиб, Каримовга ҳамла қилиб қолиши мумкин. Шунинг учун вазирлар ҳам, ҳокимлар ҳам жуда тез алмаштирилади.

Дарвоқе, Мирзиёев... Шу одам жуда кўп ўтириб қолди? Хавотирга ўрин йўқ – собиқ бош вазир Жўрабековнинг куни бунинг бошига ҳам келади. Фақат Каримов омон бўлсин!

Иноятовми? У ҳам анча қолиб кетди-а? Унинг ҳам паймонаси яқин. Каримов бу амалдорларини алмаштириш учун ўзига мос қул изляпти.

Аммо топиш қийин. У Республикадаги ҳамма жиноятни шуларнинг елкасига қўяди-да, кетидан ўхшатиб тепади.

Яна бутун халқ Каримов, ҳатто қизини, бош вазирни ва Миллий хавфсизлик хизмати бошлиғини ҳам аямади, у адолатли деб сўлақайини оқизиб қойил қолиб юраверади. Каримовнинг 8 декабрдаги нуқти шунга кичик ишора ҳам бўлган эди, аслида.

Каримов йиғилишда Худони эслади, бизнинг ҳамма ишимиз беш, чунки Худо бизни қўлламоқда деди у.

У Худонинг номини ҳам ўз сиёсати учун воситага айлантирди. Аммо у қанчалик маккор бўлмасин, Оллоҳнинг макри олдида ҳеч нарсадир. У қанчалик ўйин қилмасин, ўйинларининг поёни кўришиб қолди. Яқин-орада унинг таназзулини бутун дунё кўради, иншаОллоҳ.

Абдуллоҳ Нусрат



Ҳаётнинг четида қолдирилган кексалар

Ўзбекистонда ҳар бир йил биронта ўта муҳим масалага бағишланади. Масалан, бу йил “Соғломонайили” деб аталди. Балки бунинг сабаби аёлларнинг ёппасига стерилизация қилинаётгани ёки тиббий хизматнинг ачиқарли аҳволда эканлигидир? Ўтган 2015 йил эса “Кексаларни эъзозлаш йили” деб аталган эди. Бунга қуйидаги ҳолат сабаб бўлса керак: мамлакат президентининг ўзи ҳам ёш эмас, нақ 78га кирди, бу муҳлатнинг чорак асрдан кўпроғини масъулиятли лавозимда ўтказмоқда ва ҳозирча кетиш нияти йўқ... Хўш, кексаларнинг дардини ҳеч ким тушунмаса ҳам, Ислом Каримов тушуниши керак эмасми? “Фарғона”нинг доимий ўқувчиси ва муаллифи, тошкентлик Хаёт Хон Насриддинов ўз мақоласи билан айнан президентга мурожаат қилмоқда.

Мен такроран ёзаётган бу мавзуну бемалол сиёсатга боғлаш мумкин. Яъниким, мамлакатдаги кексаларнинг тақдирига эътиборсизлик ва лоқайдлик сиёсатига боғлаш мумкин. Расмийлар оддий фуқароларнинг муаммолари ва қашшоқ турмуш тарзини кўрмаганга олиб, уларнинг

ҳаётини ўзгартириш истаги умуман йўқлигини яна бир бор намоён қилмоқда.

Тошкент шаҳрининг Яланғоч массивида “бит бозори” (“блошиный рынок”) ҳали ҳам бор. У ерда кексалар ва пенсионерлар ташлаб юборишга кўзлари қиймаган, арзимаган пулга сотса бўладиган эски буюмларини сотишади. У ерда тадбиркорлар ҳам фаолият юритади, улар яп-янги сантехника ва маиший жиҳозларни сотишади. Аммо бу тўлақонли маънодаги бозор эмас. Бу ерда шунчаки бир нечта кексалар йўл четида эски нарсаларини ёйиб, бирикки сўм топиш илнжида туради.

Шундоқки эрга ёйиб қўйилган чойшаб ва целлофанларнинг устида ҳамма нарсани топиш мумкин. Ювилиб, дазмолланган эски кийим-кечак, лампочкалар, занжирсимон ёпқич, уй жиҳозлари, тозаланган тарелка ва санчқилар... Қора денгиздан откриткалар (балки ёшликдаги хизмат сафаридан эсталиқдир), Эльбруснинг гўзал кўриниши (буниси амалга ошмаган орзудир)... Одамлар ўзларига кераксиз, эски нарсаларни сотишади, балки кимларгадир керак бўлиб қолади. Ўтган-кетганлар уларнинг буюмларига қизиқиб қолса, уларга уят аралаш умид билан қарашади: қанийди

шу нарса ёки қолса-ю, сотиб олишса. Шунда шу пулга озгина бўлса ҳам озиқ-овқат сотиб олиш имкони туғилади. Натижада озгина вақт бўлса ҳам “ажойиб иқтисодий ўсиш” ва “фаровонлик” ҳукм сураётган бу мамлакатда ўзини тўлақонли одам деб хис этиш мумкин бўларди.

Албатта, йўл четидаги бу савдо-сотик қонуний эмас. Аммо участка милиционерлари индамайди. Балки муҳтож одамларнинг аҳволига тушуниб, бундай майда маъмурий қоидабузарликка эътибор беришмас? Ёки ўзининг мажбуриятлари ва йўл четидаги одамларга нисбатан лоқайдлик устун келаётгандир? Иккинчисига кўпроқ ишонаман, чунки, тан оламан, ўзим ҳам милицияга ва солиқ қўмитасига мурожаат қилиб, ноқонуний бозорларга қарши курашганман. Маҳаллий маъмуриятдан илтимос қилиб, қонуний равишда савдо қилиши учун бу бечораларга бирорта бино топиб беришни сўраганман.

Аммо расмийлар менга ёзма тарзда қуруқ жавоб йўллаб, бу масалага эътиборсизлигини намоён қилди. Менда солиқ хизматидан келган расмий хат бор, унда айтилишича, бу бозор йўқ қилинган (аммо у жойида турибди ва ҳар куни ишляпти!). Милициядан ҳам жавоб бор, унда айтилишича, “бозордаги сотувчилар билан профилактик суҳбат ўтказилган” ва улар бундан буён у ерда савдо қилмайди. Бир кундан сўнг уйлар атрофидаги бу жойлар яна сотувчилар билан тўлди. Маҳаллий маъмурият ҳам худди шундай йўл тутди. Яъни, бозор ташкил қилиш учун бўш жой йўқ, бунга маблағ ҳам йўқ деган мазмунда жавоб ёзишди. Шу билан бирга, мамлакатдаги бахтли ҳаёт ҳақида сўзловчи, хўжақўрсинга қилинган плакатлар ва узундан-узун деворлар қуришга пул етади.

Амалдорлар фақатгина мамлакат фуқароларига нисбатан бепарво эмас. Улар ўз мажбуриятларига ҳам масъулиятсизлик билан қарашади. Бундай ноқонуний савдо-сотик “Бозорлар ва савдо комплексларининг фаолиятини ташкил этиш қоидалари”ни бузади, бу ҳужжатга қўйилган бош вазир Мирзиёевнинг имзоси эса туман амалдорлариникидан пастроқда туради. Лоқал мен шундай хулосага келяпман. Чунки,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ноинсоф раҳбарларнинг асосий иш тамойили – муаммони ҳал қилиш эмас, балки қуруқ жавоб билан қутулиб қолиш.

Бир нарса ҳақида кўп ўйлайман, нега бизнинг мамлакатда айримлар пенсияга чиққанидан сўнг одам сафидан чиқариб қўйилади? Эски кийим-бошда юришади, энг зарур нарсалардан, жумладан дорилардан ҳам пулни тежашади, аммо коммунал хизматлар учун ўз вақтида тўлайдиган пенсионерларимизни кўрган одам ачинади ва ҳурмат хиссини туяди. Мен уларни ҳурмат қиламан, чунки улар кўчага чиқиб, норозилик намойиши уюштирамайди, ҳукумат ва президентни ёмонлаб гапирмайди, ўғирлик қилмайди. Улар бу қашшоқ турмуш тарзига индамасдан чидайди, кўз ёшини ичига ютади. Ҳеч кимга кераксиз ҳаётларини сал бўлса ҳам узайтиришга уринади. Иложсизлик туфайли, балки ўлимдан ҳам қўрқишмайди.

“Ачиниш инсонни хўрлайди”, аммо мен уларга ачинаман. Улар бутун умр порлоқ келажакка ишониб яшаган, аммо кўришсаки, бу келажакда уларга жой йўқ. Қорни тўқлар бу ҳаётдаги қашшоқликларни атайлаб кўрмаётганидан асабим бузилади. Кексаларнинг бахтли ҳаёти ва сермазун кексалик чоғлари ҳақидаги шиорларни тинмай такрорлайдиганлар шунга жавоб беролмайдики, нега шу кексалар орасида қашшоқлари бу қадар кўп?

Уларда деярли ўз вақтида тўланадиган пенсияси бор. Имкониятга қараб ёрдам берадиган фарзандлари бор. Давлат томонидан имтиёз ва қўшимча тарзидаги ижтимоий ёрдам бор. Аммо пенсионерлар ўзларини тўлақонли инсон деб ҳисоблай олишмайди. Бунга сабаб нимада?

Бу ҳақда мамлакат раҳбари билан гаплашиб олмоқчиман, мен шу раҳбарга қачонлардир овоз берганман.

Нимага йилдан-йилга ойликлар ўн-йигирма фоизга ошади-ю, ҳеч кимга кераксиз саройларни қуришга кетган харажатлар юзлаб миллионларни ташкил этади? Масалан, Тошкентда форумлар саройи ва миллий кутубхона қурилган. Кутубхона албатта керакли жой, у жой ўқувчилар билан лиқ тўла. Аммо яна битта мажлислар зали кимга керак –



ҳайронман. Бунақа ҳашаматли ва бефойда қутилар шаҳарда етарлича қурилган. Мен бир куни ўша ерга кирмоқчи бўлдим, ахир бу бино фуқаролар учун, яъни мен учун ҳам қурилган!. Аммо ниятим амалга ошмади. Бу бетондан қилинган миллиарднинг даҳлизига ҳам киргизишмади.

Мен Самарқандда битта нарсага гувоҳ бўлганман, ўзига тўқ бўлган америкалик пенсионерлар Регистон ҳайбатига маҳлиё бўлиб қараб турарди, уларнинг ёнида иккита ўзбек чол чўкка тушиб ўтириб, уларга Хўжа Насриддин хайкалчалари ва эсдалик пичоқларини сотиб олишни таклиф қилишарди. Одамнинг хўрлигини келтирадиган манзара.

Кейинги пайтда нопок банк ходимлари ва пенсия жамғармаси бўлими ходимлари алдов йўли билан пенсияларни пластик карточкага ўтказаяётгани ҳақида кўп эшитяпмиз. Уддабурон ходимлар сохта шартнома ва аризаларга имзо қўйиб, пенсияларнинг ихтиёрий равишда пластик карточкага ўтказилаётгани ҳақидаги ғирт уйдирма гаплар билан одамнинг кўзини шамғалат қилади. Яна буларга ҳеч ким индамайди. Прокуратура билан милиция оғзига талқон солиб олган, пенсионерларни фақат ўз фарзандлари химоя қилади. Нимага пенсионерларнинг ожизлигидан фойдаланиб қолишга уринишади?

Буларнинг ҳаммаси ҳақида тўғридан-тўғри президентга ёзмоқчиман. Параллел равишда барча вазирларга ҳам шуни айтмоқчиманки, қуруқ жавоб

билан қутулмасдан, юзага келган муаммони ҳал қилиш керак. Мен оддийгина бир муаммони расмий ҳукумат органлари орқали ҳал қилиш учун деярли тўққиз ой овора бўлдим. Ҳаммаси бекор бўлиб, мен бутунлай умидсизликка тушган эдим. Чорасизликдан ушбу сайтга ёзилган мақолага менга ёрдам берди. Тошкент билан Москва орасидаги уч минг километрлик масофа ҳам “Фаргона” таҳририятига халақит бермади, улар менинг муаммоимни таҳлил қилиб, маҳаллий газ идораси билан юзага келган маиший зиддиятни ҳал қилишда ёрдам беришди.

Демак, фақат хорижий матбуотга мурожаат қилган фуқароларнинг муаммолари ҳал бўладими? Хорижий журналистлар ҳеч қандай таъмасиз бошқа давлат фуқароларининг ёнини олишади. Унда маҳаллий амалдорлар нима билан шуғулланади, уларнинг ўз ишига нисбатан лоқайдсизлигини ким жиловлайди? Ахир бунақа бўлиши керак эмас-ку. Мамлакат фуқароси сифатида мен буни жиноят ва мен учун ҳақорат деб тушунаман.

Мана шулар ҳақида президентга айтиб бермоқчиман. Умид қиламанки, мен тайёрланаётган учрашув албатта бўлиб ўтади.

Ҳаёт Хон Насриддинов

Маълумот ўрнида: Тошкентдаги илк эски-туски бозори шаҳар марказида – Воскресенский бозори ёнида бўлган. Ҳозир бу жойда “Театральная” майдони жойлашган. XX аср бошида олинган сурат.

Манба: uzbek.fergananews.com

МУҲАММАД СОЛИХ: МАДДОҲЛАР УЮШМАСИДАН “ҲАЙДАЛИШ” БИЗ УЧУН ШАРАФДИР!

7 январдан бошлаб, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси 26 ёзувчи-шоирни расман ўз сафидан чиқарди. Уюшма Эксперт кенгаши қарорида айтилишича, бу ижодкорлар президент берган кўрсатмага амал қилиб, “истиклол йилларида мамлакатда кечаётган улғувор ишларга дахлдорлигини ҳис этмагани учун” аъзоликдан чиқарилган.

12 февраль куни Озодлик ихтиёрига келиб тушган Эксперт кенгаши қарорида президент Ислоҳ Каримовнинг “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласи асосида уюшма таркиби сифат жиҳатидан қайта кўриб чиқилгани айтилади. Қарорда қайд этилишича, президент кўрсатмасига мувофиқ бундан сўнг “жамият олдидаги бурчи ва масъулиятини ҳис этган фидойи инсонлар”гина уюшмага

аъзо бўлади.

Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан яқинда чиқарилган ижодкорлар орасида Ўзбекистон Халқ шоири Хуршид Даврон, ёзувчи Саломат Вафо, шоирлар Нортўхта Қилич, Ҳамрокул Асқар, Сулаймон Раҳмонлар бор. Айни пайтда, 20-аср ўзбек адабиётининг энг таниқли намояндалари Эврил Турон (Мамадали Маҳмудов) ва Муҳаммад Солих, шунингдек, муҳолиф қарашлари билан ҳукумат таъйиқига учраб, хорижга чиқиб кетган Ботир Норбой, Ёдгор Обид ва Юсуф Жума каби ижодкорлар ҳам бор.

Озодлик Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси раиси Муҳаммад Али, унинг ўринбосари, Эксперт кенгаши раиси Сирожиддин Саййид билан боғланиб, бундай қарорга изоҳ олиш имконига эга бўлмади – уюшма котибаси раиснинг хориж

сафарида экани, муовиннинг эса, кун бўйи мажлисдан бўшамаслигини билдирди.

“Қурултой”да иштирок этган Мамадали Маҳмудов, Муҳаммад Солих, Дилором Исҳоқова ва Ҳамрокул Асқар мустақил Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан аъзоликдан чиқарилган ижодкорлар ва улар суҳбат давомида бугунги режим мафқурасини ёйиш қуролига айланган уюшма сафидан чиқарилганликларини ўзлари учун шараф билажакларини айтдилар:

— Бу Ёзувчилар уюшмасини маддоҳлар уюшмаси, лаганбардорлар уюшмаси дейиш тўғриворқ бўлади. Бизнинг на маддоҳликка, на лаганбардорликка алоқамиз йўқ ва шу боис, бизни бундай уюшмадан чиқаришгани биз учун шарафдир, деди жумладан Муҳаммад Солих.

Манба: www.ozodlik.org

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Швеция суди 9 февраль куни таниқли уламо Обидхон қори Назаровга суиқасд уринишида айбланган Ўзбекистон фуқароси Юрий Жуковскийга берилган ҳукм устидан икки шикоятни кўришни бошлаган. Маҳкамада Юрий Жуковский устидан ҳукмдан норози бўлган ҳимоя томони ва айни пайтда 18 йиллик қамокни оз, деб ҳисоблаган Обид қори яқинларининг шикояти кўрилмоқда.

Швеция шимолидаги Остершунд (Östersund) шаҳри маҳкамаси ўтган йили 15 декабрь куни ўзбекистонлик таниқли имом Обид қори Назаров жонига қасд қилишда айбланган Юрий Жуковскийга 18 йиллик қамок жазоси тайинлаган.

Бу ҳукмдан айбланувчи Юрий Жуковскийнинг ҳимояси норози бўлиб аллелацион маҳкамага мурожаат қилган.

Айни пайтда Обидхон қори Назаровнинг яқинлари ва қораловчи томон Жуковскийга умрбод қамок жазоси тайинланишини сўрамоқда:

— Бу қарор келгуси тергов жараёнига тегишли бўлган катта ва кенг қўламли ишларимиз учун замин яратади. Ҳали иш охирига етгани йўқ. Асосий ижрочи жазоланди, аммо бу ишнинг орқасида турган кучли гуруҳлар бор. Уларни жавобгарликка тортиш ҳаракатлари ҳали анча давом этади, — дейди Довудхон Назаров Озодлик билан суҳбатда.

37 яшар Жуковский ўтган йилнинг



Швеция суди Юрий Жуковскийга берилган ҳукм устидан берилган шикоятни кўришни бошлади

25 августда Россиядан Швецияга экстрадиция қилинган эди. Швед прокурори Кристер Петерсен Жуковскийга бир умрлик қамок жазоси сўраган. Унинг ишонишича, суиқасдга Обид қорининг фаолияти сабаб бўлган.

Остершунд шаҳар судига айблов хулосасини топшириб бўлгач, Озодликка гапирган терговчи Петерсен ўз аризасида бевосита Ўзбекистон ҳукуматини айбламаган бўлса-да, Жуковский суиқасдни “Ўзбекистон ҳукумати буйруғига

қўра” амалга оширгани хусусидаги иддаоларни илгари сурганини билдирган.

57 ёшли Обид қори Назаров 2012 йилнинг 22 февралда Швеция шимолидаги Стромшунд шаҳарчасида ўз уйи йўлагида номаълум шахс томонидан отиб кетилган.

Ўзбекистон ҳукуматининг ашаддий танқидчиларидан бўлган Обид қори Назаров ҳамон оғир аҳволда шифохонада ётибди.

ЎХХ хабарлар бўлими

Ўзбекистон ички ишлар идоралари ходимлари ҳеч бир оғишмай худди ана шу шиорни амалга оширмақда.

Тошкент шаҳар, Бектемир туманида истиқомат қилувчи Чамангул Негманованинг кимсан собиқ давлат маслаҳатчиси Т.Иминов ҳамда ҳамтовоғи А.Фаттоҳовларнинг “Акбар Азизий” хусусий фермаси орқали давлатнинг миллиард-миллиард маблағларини ўзлаштирганликларига оид жиноятлари хусусида илк бор бонг урганида аризачининг ёлғизгина ўғли ҳали 14 ёшли бола эди. У



Бектемир туман ИИБ тергов бўлимининг катта терговчиси Ш.Х.Файзуллахонов “Ҳозир бу ҳақда сизга аниқ бир гап айта олмаيمиз. Эртага соат 10.00 да келинг, ўшанда барчасидан бохабар этамиз. Ўғлингизни бир сутка ушлаб туришга ҳаққимиз бор” дейишдан нарига ўта олмади. Ўғлимни нима сабабдан ИИБга келтириб қамаб қўйишганларининг асл сабабини аниқ биламан, бу – мен туфайли, менинг аризаларим сабаб, — дея хулоса қилади она.

Чамангул Негманованинг айти хулосага келишига асос йўқ эмас. 2015 йилнинг

Амалдор устидан арз қилгани урма, сўкма, фарзандини қама!

пайтларда ўспирин ўғлига зўғум ўтказиш орқали Негманованинг овозини ўчиришга уриниш кутилган самара бермаслиги ҳам мумкин эди. Айти дамда 14 ёшли бола улғайган. Энди ўғилга қамоқ таҳдиди қўллаш орқали онани қўлга олса бўлар....

13 февраль куни шундай ҳам бўлди: кўпдан кўзланган мудҳиш режа амалга ошди.

Ч.Негманованинг ҳукумат миқёсидаги амалдорлар билан 8 йиллик бесамар олишуви бугунги кунда 22 ёшга тўлган ягона ўғлининг қамоққа олиниши билан яқун топди.

— Бугун, 2016 йилнинг 13 февраль куни ўғлим ўртоғи Эминов Исломжон билан дўконга чиқиб кетганди. Соат 17.30 ларда Бектемир тумани билан Тошкент шаҳрининг туташган худудидаги дўкон ёнида фуқаро кийимидаги икки девқомат нотаниш эркак кишилар ўғлимга ташланишибди. Унга ҳамроҳлик қилган дўсти Исломжоннинг сўзларига қараганда, фуқаро кийимидаги нотаниш шахсларга туман ва шаҳар чегарасидаги ДАН постида ўқ отар қуроллар – автоматлар билан қуролланган ИИБ – ДАН ходимларидан ҳам уч нафари кўмакка келган.

Қуролланган ДАН постининг ИИБ ходимлари кўмагида фуқаро кийимидаги кишилар куч ишлатиб ўғлимнинг қўлини кишанбанд қилишган. Буни кўрган ўртоғи унга кўмакка шошилган. Нотаниш кишилардан “Нима гап?” деб сўраган. Эвазига қорни, кулоқ-бурнидан тепки еган. Ўзига келганида қўлига кишан солинган ўғлимни машинага тикиб олиб кетишган, — дейди йирик миқдордаги молиявий ўғирликларни очишга бел боғлаган Чамангул Негманова, — Исломжон ўғлимни кишанбанд қилиб олиб кетишганлари ҳақида менга хабар берганида юрагим тўхтаб қолай деди. Шу заҳотиёқ 102 –рақамига кўнғироқ қилиб нотаниш кимсалар ўғлимни номаълум томонга олиб кетишганлари ҳақида хабар бердим. Суриштирувларим натижасида ҳозиргина ўғлимнинг Бектемир туман ички ишлар идорасига олиб кетилганлигига аниқлик киритдим.

“Ўғлим қандай айбловга асосан ИИБга келтирилди. Қандай жиноят содир этган экан? Мени айблов билан таништиришингизни, қўлимга айбловга оид қарорни беришингизни сўрайман” деган каби талабномаларим жавобсиз қолди.

“Ўғлим қандай айбловга асосан ИИБга келтирилди. Қандай жиноят содир этган экан? Мени айблов билан таништиришингизни, қўлимга айбловга оид қарорни беришингизни сўрайман” деган каби талабномаларим жавобсиз қолди.

баҳор, ёз ойларида ички ишлар идораси вакиллари Негмановадан тинч юришни, ёзиш-чизишни бас қилишни талаб қилишган. Мабодо, гапга кўнмайдиган, айтганларини қилмайдиган бўлса, ёлғиз ўғлига жабр бўлишини ўзларига хос услубда тушунтириб қўйишган.

Ўзбекистон ички ишлар идоралари тизими инсонларни таҳқирловчи, ҳуқуқларини чекловчи ноқонуний ҳатти-ҳаракталари ортидан мамлакатда норозилар армиясини кучайтирмақда холос.

Ўзбекистондаги ижтимоий тенгсизликни кўринг: Ўзбек халқининг 1 миллиардлик бойликларини ўмариб, хориж банкларида музлатиб қўйилишига сабаб бўлган кимса уй қамоғида ўтираркану, собиқ давлат маслаҳатчиси кирдикорларини очмоқчи бўлган онанинг ягона ўғли айблов эълон қилинмасдан туриб, тинчгина юрган йўлида ИИБ формасидаги замонавий “банда” томонидан уриб, сўкиб, кишанбанд қилинаркан, э йўқ, бе йўқ кўз очиб юмгунга қадар ўзини қамоқда кўраркан.

Қани бу ерда Каримов иддао қилаётган адолат?

Малоҳат Эшонқулова
мустақил журналист, ҳуқуқбон



Истанбул Марказий Осиёлик мигрантларга қучоқ очяптими?

Туркияда четдан келган ўн минглаб мигрантлар ишлайди. Улар уйларни, савдо марказларини тозалашади, уларни сотувчилар, официантлар ва қоровуллар орасида учратиш мумкин. Мухбиримиз Шохрух Соипов икки ҳафта Истанбулда яшаб, бир неча йиллардан бери Туркияга ишлашга келадиган ўзбеклар, тожиклар ва туркманлар билан суҳбатлашди. Улар нима сабабдан кетганини, нима билан шуғулланишлари ва нималарни орзу қилишлари ҳақида сўзлаб беришди.

Истанбулнинг Оқсарой ва Лалели мавзеларида йирик савдо марказлари жойлашган, марказий осийлик тадбиркорлар мол олиш учун айнан шу ерга келишади. Оқсарой ва Лалелида ресторанлар, меҳмонхона ва қаҳвахоналар кўп. Шулардан бири, “Бабахан” ресторани ташрифчиларга уйғур ва ўзбек таомларидан тамадди қилишни таклиф этади.

Истанбулга келганимнинг иккинчи кунини кечки пайт “Бабахан”га бордим. Орадан бир кунгина ўтган бўлса ҳам, ўзимизнинг таомларни соғиниб қолувдим. Кириш эшигида мени Дониёр исмли истараси иссиқ йигит кутиб олди: “Ассалому алайкум, келинг оқа. Хуш келибсиз қафеимизга”. Кейин Дониёр пештахтадаги турли таомларни кўрсатиб, таклиф қила бошлади: “Мана марҳамат, иссиқ таомлар: шўрва, манти, сомса, палов...”

22 ёшли Дониёр Истанбулга уч

ой олдин Тошкентдан келибди. “Бабахан” кафесиди ошпаз-сотувчи бўлиб ишлайди. Мен қўй гўштидан шўрва буюртирдим ва Дониёрдан Туркияда ишлари қандай кетаётганини сўраб-суриштирдим. “Мен Ўзбекистонда иш йўқлигидан ёки пул йўқлигидан келмадим, — дейди Дониёр. — Шунчаки, аввалдан Истанбулда ишлашни истар эдим. Асли қасбим — радиотехник, коллежни тугатганман. Бу ерда ойига 1500 лира пул топаман (500 доллар атрофида)”.

Таом тайёрладиган ошхонани кўрсам бўладими, деб сўрадим. Мени у ерга олиб боришди, у ерда самарқандлик бир ошпаз бор экан. Исмини айтмади, бунинг аҳамияти йўқ, деди. Уни иш шароити қандай қониқтиришини сўрадим. “Шароитлар ўртача, — деди у. — Биз бу ерга ишлагани келганмиз. Ўзингиз биласиз, бизда одам кўп, тўйга пул керак, уйга пул керак...” Ошпазларнинг таъкидлашича, Истанбулда қонуний асосда ишлашмоқда, барча рухсатномалар расмийлаштирилган.

Мен мазали таомлар учун миннатдорчилик билдирдим. Қўй гўштидан шўрва, чой ва новвой нон учун 12 лира (4 доллар атрофида) тўладим. Анча арзон тушди.

Истанбулда бир юртдошимизнинг уч хонали уйида вақтинчалик турдим, мендан ташқари яна олти киши яшарди (ҳар битта хонада иккитадан). Қўшниларим асосан туркманлар экан, улар асосан хизмат соҳасида:

дўконлар, автомобил ювиш нукталарида ишлашаркан, уйларни тозалашаркан. Нега Истанбулга келганларини сўраганимда, улар Туркменистонда маошлар камлиги, коррупциянинг кучайиб бораётгани ва одамлар ижтимоий муаммолардан қарчаганидан ҳасрат қилишди. Аммо суратга тушишмади: ватанга қайтганда муаммо бўлиши мумкин экан.

Истанбулда ишлаётган мигрант бошпана ижараси учун тахминан 120 доллар тўлайди, электр, иситиш, газ ва сув тўловлари ҳам шунинг ичида. Битта квартирада ўрта ҳисобда беш-олти киши яшайди.

Истанбулдаги аксарият мигрантлар ноқонуний асосда ишлайди, ишга рухсатнома олмайди ва керакли ҳужжатларни расмийлаштирмайди. Туркиядан чиқиб кетаётганда эса миграция қоидаларини бузгани учун жарима — олдиндан тайёрлаб қўйилган 400 долларни тўлашади. Аммо уч ойдан сўнг яна расман Истанбулга қайтиш имконияти очилади.

Эртаси кунини ҳамкасбларим билан учрашувга жўнадим. Йўлда Окуанус номли автомобил ювиш нуктасидан ўтдик. Бу ерда ҳам ўзбеклар ишлар экан. “Мен енгил машиналарни 25 лирага юваман, жипларни — 30 лирага”, — дейди Исмоил, у Тошкентдан етти ой олдин келган. Мижоз пулни кассага тўлайди, Исмоил эса, кунига беш-ўн та машинани тозалаб, ойлик маоши олади. Қанчалигини айтмади.

Истанбулдаги “Боязид” тарихий маскани атрофида сайр қилиб юриб, Афғонистоннинг Фарах вилоятидан келган афғон ўзбегини учратдим. У дўкон олдида туриб, туркча нон сотаётган эди. Йигирма ёшли Раҳамат Истанбулга икки ой олдин иккита акаси билан келган (жами саккизта ака-укалари бор). Афғонистонда қўйлақ тиккан, аммо ҳозирги зиддиятлар ва уруш даврида пул топишнинг иложи йўқ: “Афғонистонда кам топар эдим, ойига беш-етти минг афғоний (тахминан 70-100 доллар) холос. Бу ерда 800 лира (270 доллар атрофида) оламан. Дўкон эгалари маошни босқичма-босқич оширишга ваъда беришган. Мен эрталабки еттидан кечки еттигача ишлайман”.

Раҳамат акалари билан пул тўплаб, тахминан тўрт йиллардан кейин Истанбулда уй сотиб олишни

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

орзу қилади. Кейин Афғонистонга қайтмоқчи. Туркиядаги ҳаётда нимадан қийналганини сўрасам, қутилмаган жавобни олдим: “Ота-онамсиз қийналдим. Бирга бўлганларида эди... Соғиндик”.

Кеча Қирғизистоннинг Ўш шаҳридан Истанбулга келган Шавкат Қобилов билан гаплашдик. Жуда чарчагани билиниб турарди: ҳар куни 12 соат ишлаб, оморда молларни қабул қилиб, дўконларга юборар экан. “Осон эмас, — дейди Шавкат. — Аммо ойига 600 доллар оламан. Шаҳарни айланишга вақтим йўқ, ҳафтада бир кун дам оламан, шунда ҳам шахсий ишларимни ҳал қилишга ҳаракат қиламан. Оилани боқиш учун пул ишлаб топишим керак”.

Истанбулда мигрантлар топадиган иш турлича бўлиши мумкин. Масалан, Оқсаройда юзига қизил суртиб олган “мама”лар йўлингни тўсаверади. “Қиз керакми?” — деб сўрашади, мен бунга жавобан: “Ўзбекчалар борми?” дейман, — “йўқ”, — деб қўшмачилар нари кетади.

Шу пайт олдимга бир эркак келди. “Ўзбекчалар керакми?” — деб сўради. “Ҳа, — дедим. — Соатига қанча?” — “100 лира (30 доллар

атрофида). Меҳмонхонага алоҳида тўлайсан, менга ҳам қиз топганим учун 10 лира тўлайсан”, — деди қўшмачи. Рози бўлдим, аммо шарт қўйдим: “Менга кўрсатасиз, ёкса тўлайман”. — “Бўпти, — деди эркак. — Ҳозир таксида борамиз, ўзбекчаларни кўрасан”. Биз такси тутиб, кетаётганимизда мен қалтис ишга аралашиб қолганимни, мени қаёққадир олиб кетишаётганини тушуниб қолдим. Машинани тўхтатишни талаб қилдим, такси ҳақини тўлаб, уйга кетдим.

Истанбулга дунёнинг турли чеккаларидан, жумладан Марказий Осиёдан ҳам ҳар йили юзлаб аёллар келади. Албатта, уларнинг ҳаммаси ҳам фоҳишалик қилиш учун келмайди. Кўпчилиги оиласи билан келади.

Метрода битта аёл телефонда ўзбекча гаплашаётганини эшитиб қолдим. Унга ўзимни таништириб, Истанбулда нима қилиб юргани билан қизиқдим. “Бу ерда оилам билан етти йилдан бери яшайман: қайнатам, эрим, унинг укалари, синглиси ва яна бир неча киши. Эрим укалари билан Ўзбекистонга юк жўнатадиган “Карго” компаниясида ишлайди. Биз аёллар уйда ўтираемиз”, — деб кулади Зарина.

Охирги марта Ўзбекистонга

қачон борганини сўрадим. “Вақти-вақти билан бориб тураемиз, — дейди у. — Аммо кейинги пайтда қийин бўлиб кетяпти, иктисодий аҳвол оғирлашяпти, шунинг учун бу ерда яшаймиз”.

Босфор

Босфор атрофида мени бир киши тўхтатиб, уни бўғоз фонидида суратга олишимни сўради. Бу суратларни Тожикистоннинг Хатлон вилоятидаги Қўрғонтепа шаҳрида яшовчи ўғлига юборар экан, ўғли февраль охирида уйланмоқчи экан.

“Бугун-эрта тўйга керакли нарсаларни ўғлимга жўнатаман, ўзим ой охирида тўйга етиб бораман, — дейди Иноят ака. — Беш йилдан бери Истанбулда яшайман. Янги кўп қаватли уйларда қоровул бўлиб ишлайман. Бу ерда пул топса бўлади, ишларим жойида”.

Мен Истанбулда икки ҳафта бўлдим, бу ерда мен учратган барча ўзбек, тожик ёки туркманларнинг айтишича, оилани боқишнинг бошқа йўли йўқлиги учун бу ерларда ишлаб юришибди. Аммо бир масалада фикрлари яқдил эди: агар ватанда яхши иш бўлганида, ҳеч ким ҳеч қаерга кетмаган бўларди.

Шоҳрух Соилов, Истанбул-Ўш
Манба: “Фарғона” АА

Ўрислар ўзбекларни “баран” деб ҳақорат қилар эди. Аммо бугун шу ҳақиқат аниқки, Ўзбекистондаги Ҳилол Насимов, Рустам Саъдиев каби режиссиёрлар ўз миллатини “баран” деб ўйлар экан. Чунки улар ишлаб чиқарган кинолар шунга далолат қилмоқда.

Ҳилол Насимов ўта аҳмоқона “картиналар” қаторида “Ажал жодуси” деган бир “кино” ишлади. Кинони у қадар таърифлашга ҳожат йўқ, чунки ахлатнинг қандайлигини жинни одам ҳам яхши билади.

Биз бошқа ахлат ҳақида гапирмоқчимиз. Бу Рустам Саъдиевнинг “Барон” деган эртак-кўрсатувидир.

Албатта, обрўмизга доғ туширмаслик, тилимизни кир қилмаслик учун бу ғоявий паст, бадий ногирон, куруқ кизбдан иборат “фильм”ни жуда ҳам таҳлил қилиб ўтирмаймиз. Фақат у билан боғлиқ баъзи “ўйинлар”ни айтиб ўтишга жазм этдик. Бу жуда эски ўйин. Ўйинни ўйлаб топган одам — Ислом Абдуғаниевич Каримовдир.

“Барон” ва баран

Каримовнинг невараси бундан бир-икки йил олдин тўсатдан халқаро матбуотнинг диққатини жалб қилиб қолди: у ўз бобосига Буюк Британия ва Россия матбуоти орқали “мурожаат этди”. Аслида, бу уйдирма эди. Каримов неварасига шундай деб тайинлаган эди. Бу — факт.

Каримов ўз сиёсатини хаспўшлаш, одамлар миясини чалғитиш, халқаро жамоатчиликка масхарабозлик қилиш учун неварасига шундай топшириқ берган — у онаси Гулнора ва бувиси Таня холанинг можароларини тўкиб чиқди. Таня кампиршо гўё Каримов атрофини жодулаб ташлаганмиш.

Каримов бечорага невараси интернетдан фойдаланишни ўргатаман деса, кампир уйдаги интернет кабелини узиб қўйибди! Агар ҳақиқатни билиб қолса, нима бўлади! — дебди. Невара Каримов бобоси ташкиллаштирган спектакльда бош ролни шу тариқа ўйнаб берди.

Одамлар ҳам бечора Каримов деб унга раҳмлари келди.

Шу ўйинни Ўзбек миллий хавфсизлик хизмати ҳам яхши ўйнайди. Масалан, бу идора ўзи пул тўлаб Рустам Саъдиевга “Соткин”, кейин эса “Барон” деган эртак-кўрсатув суратга олдирди. Рекламани қилди. Аммо “кино” прокатга чиқиши билан “ўғирланди”, кўчада сотилиб кетди, бутун мамлакатга тарқалди! Режиссиёр “хуноб бўлиб” ёзғирди. Ҳолбуки, бу ҳам “пиар” эди.

Бу “кинолар” Миллий хавфсизлик хизмати томонидан ташқарига чиқарилган, кейин “ўғирланди” деб жар солинган, бу билан одамларнинг ҳаммаси шу “кинолар”ни кўришлари ва мамлакат сиёсатини англашлари, керак бўлса, қўрқишлари керак эди.

Очиғи, вазифа — уддаланди. Кинонинг саъвийси ўта паст экани ҳақида гапириш ортиқча, албатта.

Абдуллоҳ Нусрат

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёевни топшириғи билан барча вилоят марказларида қашшоқ аҳолидан яна бир маблағ келиб турадиган санъат саройлари қурилмоқда. Узи халқ шу кунларда зўрма-зўраки инфляцияни таъсирдан қорнини тўйдиролмай юрган даврда ушбу санъат саройи кимга керак? Ушбу санъат саройларига студентлар, коллеж ва лицей ўқувчиларидан мажбурлаб пул йиғиштириб, бўлмағур



олинглар. Телевизорда бошқа нарса, аслида эса бошқа ҳаёт бўлиб келаяпти.

Хамма тадбиркорлик фаолиятига лицензия бор. Лекин бу лицензиялар тадбиркорни фойдасига эмас, фақат ҳокимят пул ишлаши учун ишлайди. Ҳатто тадбиркорни тартибга ҳам солмайди, акс ҳолда уларни жиноят қилишга мажбурлайди. Шунинг эвазига ҳам камбағаллар учун нарх-наволар жуда баланд.

Яна асосий муаммолардан

ДАВЛАТ КОРРУПЦИОН МАФИЯСИНИНГ ИШЛАРИ

концертлар уюштирилар эмиш деган мишмишлар юрибди. Энг асосийси вилоятлар марказларида янгидан-янги истроҳат боғлари барпо қилинмоқда. Ушбу янги ва эски истроҳат боғларининг чироқлари кечалари ёнмайди.

Болалар ўйингоҳлари СССР давирдан қолиб кетган одамлар хавфсизлиги таъминланмаган эски арғимчоқ ва ўйингоҳлардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Энг қизиқарлиси бу боғлар кечая кундуз ёш йигит ва қизлар учрашадиган жойларга айланган. Ушбу истроҳат боғлари ичида шу санъат саройлари қурилмоқда. Боғлари атрофида ҳеч кимга ҳалақит қилмаётган ошхона ва дўконлар шаҳар ҳокимлари томонидан мажбурий, таъзийқ ўтказилиб бир тийин ҳам бермасдан қонуний ҳужатти бўлсада ноқонуний бузиб ташланмоқда. Тадбиркорларга ўзлари яқинда буздириб, ҳозирги замон талабида қурдирилган бинолари ҳокимят томонидан қайта қурдириб, бош вазир топшириғи билан кетган ҳаражатлари тўланмай, бугунги кунда уйини қуйдириб, бузуб ташлаш буйруқлари берилмаётганини қандай тушунса бўлади?

Тушуниш қийин эмас. Буни тағидида катта-катта поралар турибди. Агар тадбиркор «шустрий»лик қилса, яъни ҳокимга пора берса, у ҳолда унга ер ва бузилиш ҳаражатлари берилиш мумкин. Лекин қаршилик қилса, унда тезкор прокуратура, солиқ, газ, электр, СЭС ва ҳоказолар ишга тушиб, ҳар қандай ноқонуний, сунъий «сфабрикованный» текширувлар натижасида миллиардлаб маблағлар бўйнига мажбурий тарзда юкланиб, тўла олмайдиган даражага етказилиб, бинолари бузиб ташлаб, ҳатто қамаб юборишлари табиий ҳол. Мана сизга давлат коррупцион мафиясини иши. Каримов миллион маротаба минбарга чиқиб тадбиркорлар ҳимояланган деган қарорлари-ю, сўзлари бир тийин.

Чунки уларни қўлида катта куч турибди. Мафия бўлгандан кейин тиш-тирноғига қуролланган куч ҳам бўлиш керакда!!! Ушбу санъат саройлари қурилишлари бу қашшоқ халқимизга заррача фойдаси йўқ. Бу ерда фақат моддий фойдаланиш бор, рус тилида айтганда «для обмывание денег строится».

Миллионлаб тадбиркорларни сунъий синдириб юборишмоқда. Масалан, кечагина телеканаллардан кўрсатаяпти, такси кирачилари ноқонуний такси қилаётганлари тўғрисида. Уларни ҳокимят тузган уюшмаларга аъзо бўлиб, лицензия олмаган таксичилар қонунга зид иш қилаяпти, деб кўрсатувлар тайёрлашибди. Одамларни такси қилишини сабаби; оилага маблағ етишмовчилиги борки аҳоли ишдан ташқари кирачилик қилишади. Шунинг эвазига такси Ўзбекистонда арзон. Агар улар ўзларини автомашиналарини уюшмага аъзо қилиб таксичилик қилишса бу ерда яна уюшма ва ҳокимят чўнтагига ҳаводан пул ишлаш, яъни қонуний пора олиш йўллари бош вазир Мирзиёев ўйлаб топган. Яъни ҳокимят йиғиб олган бундай қонуний ва ноқонуний «греф» қилиб туриш учун бу коррупцион схемалар ўйлаб топилган. Бундан албатта давлатга ҳам фойда катта. Чунки лицензия олмаси таксист энг кам иш ҳақини 20 барваридан 50 барваригача, яъни 2 миллион 600 минг сўмдан 6 миллион 500 минг сўмгача жаримаси бор. Лекин ҳеч ким сўрамайди, лицензия бераётган уюшма таксичига нима беради? Урганиб чиқсангиз мутлақо ҳеч нарса бермайди. Фақатгина таксичини ўзига тегишли авто машинасидан фойдаланиб, эҳтиёт қисмларини олиб бермай, бензин ҳам қуймай, тоза соф фойда олгани етмай, мажбурий уюшма сотиб олган автомашина устига қўйиладиган такси эмблемаларини қиммат нархда сотади. Бў «обдираловка» кимни бойитади? Узингиз тушуниб

бири: Тадбиркорларга қонун доирасида пул ўтказиш йўли билан қонуний товар айри бошлаш талаб этилади. Лекин вилоятлардан Тошкентга борган тадбиркорлар фақат нақд пулга товар олиши мумкин. Пул ўтказиш йўли билан барча соҳада товар йўқ. Чунки Абу-Сахий улғуржи бозорига борсангиз биронта «оптовик» маҳсулотини пул ўтказиш билан бермайди. Шунинг учун ҳам «сунъий обналичка» қилишни йўлга солган. Ҳатто «пластик» ва нақд пул орасида фоиз бор. Ундан ташқари йўлда олиб келаётганда тадбиркор ҳужжатсиз маҳсулотни олдириб қуйишади. Бу тўғрисида ҳамма билади, лекин ҳамма жим, ўзини билмасликка солади. Шунинг учун санокли пора бермаган тадбиркорлар давлат структураси томонидан сунъий синдириб юборилади. Уларни дардини ҳеч ким эшитмайди ҳам. Лекин солиқ дўконма-дўкон, ошхонама-ошхона, ресторон, бозорларни ичидаги, умуман олганда ҳамма тадбиркорларни қонини ичиб нақд пул тушумини мажбурлаб тасдиқланган ноқонуний режа асосида, нақд пул топширасан, деб мажбурлайди. Уларга фарқи йўқ қаердан олиб режани бажарилишининг. Ҳатто, «мен билмайман бориб фоизга олиб бўлса ҳам нақд пулни топиб, режани бажаришинг шарт», деган гапларни ҳам айтишади. Банкларда нақд пул бериш алла қачон унутилган. Ҳамма «пластик»га ўтиб кетган. Фақат ИИБ, МХХ, божхона, прокуратура, солиқ ва ҳокимят банклардан нақд пул олади. Улар шунинг йиғиштирамани деб чопади. Селекторда бош вазир ҳаммани сўккан кунини тадбиркор ўлди. Тадбиркорларни кўпчилигини ўзлари барпо қилган тузоққа тушуриб нақд пул режасини бажаришади. Тадбиркорларнинг 100% ҳаммасининг сунъий айби бор. Чунки система шундай режалаштириб тайёрланган.

Тахририятга келган мактуб

Инсоннинг келиб чиқиши ва ўлгандан кейин қайта тирилиши ҳақида маъруза

Қуръони карим ва Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадисларда инсон вужудидаги, табиатдаги жуда кўп ҳайратланарли илмий далиллар баён қилинган. Уларнинг кўпи замонамизда олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида кашф қилинди ёки тасдиқланди. Келажак технологиялари воситасида очилажак яна кўпгина илмий далиллар борлиги шубҳасиз.

Аллоҳ таоло айтади: “Биз уларга ҳам уфқлардаги, ҳам ўз нафсларидаги оят-белгиларимизни кўрсатамиз. Токи уларга Унинг ҳақлиги равшан бўлсин. Сенинг Роббинг ҳар бир нарсага шоҳид эканлиги кифоя қилмасмиди?!” (Фуссилат сураси, 53 оят)

Анъом сурасининг 21 оятида эса: “Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган ёки Унинг оятларини ёлғонга чиқарганлардан ҳам кўра золимроқ кимса борми? Албатта, золимлар нажот топмаслар” деган.

Ҳурматли ўқувчилар, куйидаги маърузада Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг элчиси эканлигига ва биз у зотнинг белгиларини инкор этмай, аксинча сўзсиз эргашишимиз кераклиги ҳақидаги ишончли ҳужжат-далиллар билан танишасиз.

— I —

Думғаза мўъжизаси

Думғаза инсон умуртқа поғонасининг энг охириги суяги бўлиб, инсоннинг бир аззоси ҳисобланади, у ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайди. Бошқа суяклардан фарқли ўлароқ у ерда чириб ҳам кетмайди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўпгина ҳадиси шарифларида айтилишича, инсон думғаза суягидан яратилган, кейин қиёматда яна шундан яратилади.

Ҳадиси шарифларда айтилишича: Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анху) ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар:

“Инсоннинг ҳамма жойи чириб йўқ бўлади, фақат думғаза суяги чиримайди. Инсон ундан яратилган эди, қиёмат куни яна ундан яратилади”.

Имом Бухорий, Насойй, Абу Довуд, Ибн Можа ҳадис китобларида, Имом Аҳмад “Муснад”ида ва имом Моликнинг

“Муваatto”сида ривоят қилинган.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) айтади: Пайғамбар (алайҳиссалом) бундай деганлар:

“Инсоннинг бир суякдан бошқа ҳамма нарсаи чириydi. Бу чиримагани – “ажбуз-занаб” деб аталувчи думғазадир. Қиёмат куни қайта тирилиш шундан таркиб топади” (Имом Муслим ривояти).

Ушбу ҳадисларда думғаза ҳақидаги бундай фикрлар ва далиллар ифодасини топган:

— Инсон думғазадан яратилган



Немис олими Ислондаги бир мўъжизани тасдиқлади

— Думғаза ерда чириб кетмайди

— Қиёмат куни ҳар бир инсон шу суякдан қайта тирилади

Куйида ушбу сўзларни исботловчи илмий далиллар келтирилади.

— II —

Илмий далил

1. Ҳомила ривожланишининг даврлари

Нутфа ва тухумхужайра кўшилганидан сўнг ҳомила (эмбрион) ривожлана бошлайди. Уруғланган тухумхужайра бўлинишни бошлайди: бир хужайрадан иккита, улардан эса тўртта ҳосил бўлади ва ҳоказо. Хужайраларнинг бўлиниши ва ривожланиши “эмбрионал диск” шаклланишигача давом этади, улар иккита қатламдан иборат:

1) Ташки эпипласт:

Бу ерда цитотрофобласт жойлашган бўлиб, у ҳомила она қонидан ва бачадон деворидан керакли озукка билан таъминланиб туриши учун эмбрионни бачадон деворига маҳкам ўрнаштиради.

2) Ички хипопласт:

Бунда, Аллоҳ таолонинг иродаси билан ҳомила ҳосил бўлади. 15 кун сўнг эмбрионнинг энг пастки қисмида «жўн тасма» (примитивные полосы) деб аталмиш биринчи чизикларни пайқаса бўлади. Бу чизикнинг охирида эса биринчи кичкина чизикча, яъни «жўн тугунча» (примитивный узел) бор.

«Жўн тасма» ҳосил бўладиган тараф «эмбрионал диск»нинг орқа томони бўлади. Куйида “жўн тасма” ва «жўн тугунча»дан барча аъзолар ва тўқималар шаклланиши баён этилади.

— Эктодерма: тери ва марказий асаб тизимини ташкил қилади

— Мезодерма: ҳазм қилиш йўли, юрак, қон айланиш, суяклар, сийдик ва жинсий тизимлар, тўқима ости, лимфа ва талоқларда юмшоқ мушакларни ҳосил қилади

— Эктодерма: овқат ҳазм қилиш тизимидаги шиллиқ парда, нафас олиш тизими, ҳазм қилиш йўлига тегишли аъзолар, қовуқ, қалқонсимон без ва эшитиш йўллари ҳосил қилади

“Жўн тасма” ва “жўн тугунча” умуртқанинг охириги қисмигача давом этиб чўзилганидан сўнг булардан думғаза ҳосил бўлади.

Хулоса: думғаза “жўн тугунча” ва “жўн тасма”дан ташкил топган бўлиб, улар ўсиб уч қатлам ҳосил қилиши мумкин, булардан эса ҳомила шаклланади: эктодерма, мезодерма ва эндодерма.

Эмбрион ривожланишида “жўн тасма”нинг катта аҳамиятга эга эканининг далили сифатида Британиянинг WARNEK кўмитаси (Инсон ирсияти ва уруғлантириш соҳаси бўйича нуфузли кўмита) тадқиқотчи ва шифокорларга сунъий йўл билан уруғлантирилган ва “жўн тасма” шаклланган

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

эмбрионлар устида тажрибалар олиб борилишини ман қилади.

2. Ҳомиланинг ноқислиги думғазанинг инсон учун она ҳужайра экани далилидир

Думғазанинг сўнгги умурткасида жойлашган “жўн тасма” ва “жўн тугунча”дан ҳомила пайдо бўлиб ва шаклланганидан кейин “жўн тасма” ва “жўн тугунча” унинг хос хислатларини сақлаб қолади. Бордию уларайний бошласа, ҳомила билан биргаликда шиш (тератома) пайдо бўлиши ва у бузилган ҳомилани айрим тўла шаклланиб улгурган аъзолар (масалан, тиш, соч ва ҳоказо, шунингдек қўл ва оёқ бармоқлари) билан бирга намоён қилиши мумкин бўларди. Шундай қилиб, жарроҳ бу шишни очиб кўрганида тўлиқ шаклланган аъзолар борлигини аниқлайди. Бундан думғаза таркибида аслида она ҳужайралари борлиги маълум бўлади.

3. Ханс Спеманн тажрибалари

Тадқиқотчилар аниқлашди, ҳужайраларнинг тузилиши ва ҳомиланинг ҳосил бўлиши “жўн тасма” ва “жўн тугунча”дан бошланади. Бу қисмлар тузилишидан олдин ҳужайраларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг бўлиниши асло мумкин эмас. Буни исботлаган энг машҳур тадқиқотчилардан бири немис олими Ханс Спеманндир. У “жўн тасма” ва “жўн тугунча”лар устида ўтказган тажрибаларида уларнинг ҳомила ривожланишини ташкил қилишини аниқлади ва шунинг учун уни “The primary organizer” (яъни «бирламчи асос» — «бошлаб берувчи») деб атади.

У тажрибаларини амфибиялардан (сувда ҳам, қуруқликда ҳам яшай оладиган жонзотлар) бошлади. Тажрибаларининг бирида у бир ҳомилани “бирламчи асоси”ни айна шу “ёш”даги (яъни, учинчи ёки тўртинчи ҳафталик биринчи ҳомила давридаги) бошқа ҳомиланинг эпипластикга кўчириб ўтказди. Бу тажриба кўчириб ўтказилган “бирламчи асос”дан иккинчи эмбрионнинг пайдо бўлишига олиб келди. Кўчирилган аъзо “янги муҳит” атрофидаги ҳужайраларга таъсир кўрсатди. Натижада биринчи ҳомила танасида иккинчи ҳомила ҳосил бўлди.



Female infant with a large sacrococcygeal teratoma that developed from remnants of the primitive streak. The tumor, a neoplasm made up of several different types of tissue, was surgically removed. About 75% of infants with these tumors are female; the reason for this preponderance is unknown. (Courtesy of A.E. Chudley, MD, Section of Genetics and Metabolism, Department of Pediatrics and Child Health, Children's Hospital and University of Manitoba, Winnipeg, Manitoba, Canada.)

4. Думғаза ҳужайралари шишакстланмайди ва бузилмайди

1931 йил Спеманн “бирламчи асос” ҳосил қиладиган тўқимани майдалаб, уни қайта кўчириб ўтказди, майдалаш эса тажрибага таъсир қилмайди ва ҳеч нарсага қарамай иккинчи эмбрион ҳосил бўлади. 1933 йили Спеманн ва бошқа тадқиқотчилар худди шу тажрибани такрорлашади, аммо бу сафар “бирламчи асос” ҳосил қиладиган тўқимани майдалашдан олдин қайнатишади.

Аммо бу сафар ҳам ҳеч нарсага қарамай иккинчи эмбрион ҳосил бўлади. Шундай қилиб, бу ҳужайрага ҳеч нарса таъсир қилмаслиги маълум бўлади.

1935 йил Спеманн “бирламчи асосни” кашф этгани учун Нобел мукофотини олади.

Доктор Усмон ал-Жийлоний ва шайх Абдулмажид Аз-Зиндонийлар ҳам 2003 йилининг рамазон ойида Санодаги Зиндонийнинг уйида думғаза билан бир неча илмий тажрибалар олиб боришди. Умуртка думғазаси тўла аланга олиб ёнмагунча газ алангасига ўн дақиқа тутиб турилди (суяк олдин қизил рангга киргунча ловуллаб ёнди, кейин эса қорайиб кетди)

Улар куйдирилган бўлақларни стерилланган колбага (лаборатория шиша идиши) солиб, Санодаги машҳур илмий-тадқиқот лабораториясига (ал-Олакий лабораторияси) олиб боришди. Гистология ва патология

университети профессори доктор ал-Олакий тўқима бўлақларни ўрганиб, унинг куйдирилгани думғазанинг суяк тўқималарига таъсир қилмаганини айтади, яъни улар куйдирилгани билан ўзгармаган (фақат мушак, ёғ тўқимаси ва илик куйган, думғаза суяқларининг ҳужайраларида эса ҳеч қандай ўзгариш бўлмаган).

— III —

Мўъжиза жиҳати

Муҳаммад алайҳиссаломнинг думғаза ҳақидаги ҳадислари Пайғамбаримизнинг илмий мўъжизаларига киради, чунки эмбриология инсон танасининг барча қисм ва аъзолари думғазадан чиққанини аниқлаган бўлиб, ҳомилашунослик тилида буни «бирламчи асос» (первичный образователь) ҳам дейишади. Бу «бирламчи асос» ҳужайраларнинг дифференциациялашувига сабаб бўлади, бу эса асаб тизимининг бирламчи шаклда ривожланишига олиб келади. Ўлимдан кейин, Қиёмат куни инсон шу суякдан, аниқроғи шу суякнинг эмбрионни ҳосил қилдирадиган ҳужайраларидан қайта таркиб топади.

2. «Бирламчи асос»ни такрорий қайта кўчириб ўтқазилиши, майдаланиши ёки куйдирилиши тажрибага асло таъсир қилмайди, эмбрион ҳеч нарсага қарамай ҳосил бўлаверди. Куйдирилиш ҳам думғаза суяк ҳужайрасининг тўқималарига таъсир қилмаслиги аниқ бўлди. Бу тажрибалар натижаси Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳадиси шарифларидаги думғазанинг ерда чиримаслиги ва бутунлай йўқ бўлиб кетмаслигини ҳақидаги гапларини бутунлай тасдиқлади.

(Аллоҳ таоло билувчидир).

Абу Муслим таржимаси
(way-to-Allah.com)

Думғаза ҳақида янги маълумотлар

Қиёмат сурасининг 3-оятда бундай дейилган: «Инсон унинг суяқларини тўплай олишимизга шубҳа қиладими?». Ояти қаримада айтиляпти: айрим инсонлар шунчалик нодон ва фаросатсизки, ҳатто ўлганларидан кейин қиёматда Биз уларнинг суяқларини тўплаб қайтадан тирилтиришимизга

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ишонмайди. Бу нарса Бизга асло қийинчилик туғдирмайди. Аллоҳ таоло айтади: «Улар: «Суяк ва мурдаларга айланиб кетгач, ҳақиқатан ҳам янгитдан яралиб, тирилармикинми?» дейишади» (Исро, 49); «Бу – Бизнинг оятларимизга куфр келтирганлари ҳамда: «Суяк ва мурдаларга айланган вақтимизда янгитдан яралиб, қайта тириламизми?» деганларнинг жазосидир» (Исро, 98); «Ахир ўша инсон Биз уни олдин ўзи йўқ нарса бўлган пайтида яратганимизни эсламайди!» (Марям, 67).

Қиёмат куни Аллоҳ таолонинг амри билан тупроққа айланган инсонлар ва ҳайвонлар ўсимликка ўхшаб ердан униб чиқади. Бу ҳақда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Сўнгра Аллоҳ самодан сув туширади ва инсонлар ердан кўкат ўсгани каби униб чиқадилар. Инсоннинг бир суякдан бошқа ҳамма нарсаси чирийдди. Бу чиримагани – «ажбуз-занаб» деб аталувчи думғазадир. Қиёмат куни қайта тирилиш шундан таркиб топади» (Имом Муслим ривояти). Пайғамбар алайҳиссалом: «Инсон думғазаси суягидан яратилган, кейин яна шундан қайта яратилади», деганлар. Яна бир ҳадисда: «Инсоннинг ҳамма жойи чириб йўқ бўлади, фақат думғазаси суяги чиримайди. Инсон ундан яратилган эди, яна ундан яратилади», дейилган (Бу суяк умуртка охиридадир, қатталиги нўхатдек бўлиб, ичида илиги йўқ. Замонавий тиббиёт ўн тўрт асрдан сўнг Расули акрамнинг ушбу сўзлари ҳақлигини исботлади: олимлар умуртка суяги охирида бир неча минг даража иссиқда ҳам эриб-йўқ бўлмайдиган ва инсон коди жойланган махсус суяк борлигини аниқлашди).

Ушбу оят Умар ибн Робиъа ҳақида туширилган. У Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига келиб: «Менга қиёмат куни ҳақида гапириб беринг, у қачон содир бўлади, унда қандай ҳолатлар бўлади, нималар рўй беради?» деб сўради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга бу ҳақда сўзлаб бердилар. Шунда у: «Эй Муҳаммад, ўша куни шу азобларга қолсам ҳам сизни тасдиқламайман ва сизга ишонмайман. Аллоҳ мана шу суякларни тўплай олармиди?» деди. Шунда Аллоҳ таоло ушбу оятни туширди.

Манба: *islom.uz*

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Қароргоҳи Лондонда жойлашган Ўзбекистон эркинлиги учун кураш олиб борувчи «Цензура индекси» халқаро ташкилоти ўзбекистонлик адиб Мамадали Маҳмудов номзодини 2016 йилги мукофотига илгари сурди.



Мамадали Маҳмудов «Ўзбекистон эркинлиги» мукофоти тавсия қилинди

Халқаро ташкилотнинг «Ўзбекистон эркинлиги» мукофоти сўз эркинлиги бўғилган мамлакатларда фаолият қилаётган журналист, ёзувчи, шоир, расомларга берилди.

«Цензура индекси» халқаро ташкилоти 16 нафар мукофот соҳибини феврал ойида эълон қилади.

75 ёшли Мамадали Маҳмудов 14 йил Ўзбекистон қамокхонасида ўтирди. Ёзувчи 1999 йилги 16 февралдаги Тошкент портлашларига алоқадорлик айби билан портлашлардан 10 кун ўтиб ҳибсга олинди 14 йилга ҳукм этилди. Мамадали Маҳмудов 2013 йилда қамокдан озод этилди.

Манба: *ozodlik*



амалга оширилган алоқалар борасида маълумот берди.

Унга кўра: Эрон Ташқи ишлар вазирлиги Осиё ва Тинч океани бўйича вазир ўринбосари Иброҳим Раҳимпур шу ҳафта ичида Ташқи ишлар вазирлигида музокаралар ўтказди.

Туркия ва Эрон ўртасида кутилмаган учрашув!

Туркия ахборот воситаларининг хабар беришича, Сурия муаммолари борасида ихтилофда бўлган Туркия ва Эрон, эмбарго бекор қилингандан сўнгра муҳим бир саммитда учрашади.

Эрон президенти Хасан Рухони, олий даражали стратегик саммит доирасида Туркияга ташриф буюради. Бош вазир Аҳмед Довутўғлининг ҳам Эронга расмий ташрифи кутилмоқда. Эрондаги янги бозорлар сабабидан Туркия саноатчилар ва тадбиркорлар уюшмаси ҳам бу ўлкага ўз делегациясини юбормоқчи.

Эроннинг Туркиядаги элчиси Алиризо Бикдели, ўз вазифасининг муддати тугаганлиги туфайли журналистларга бу кеча элчихонада хайрлашув зиёфати берди. Бикдели, суҳбат давомида Туркия билан Эрон ўртасида муносабатларнинг янада юқори даражаларга эришилиши учун

Ташқи ишлар вазирлиги маслаҳатчиси Феридун Синирлиўғли билан Раҳимпур бошчилигида амалга оширилган делегациялар йиғилишларида, 2016 йил ташриф дастурлари борасида қелишув ҳулосалари берилди. Йиғилиш тахминан 5 соат давом этди. Шунингдек, 2016 йилнинг илк ярмида Бош вазир Довутўғли Эронга расмий ташриф билан бориши таъкидланди.

Эрон президенти Рухони ҳам олий даражали стратегик саммит доирасида Туркияга ташриф буюради. Ушбу саммитда у билан биргаликда Туркия президенти Ражаб Тойип Эрдоғон раҳбарлик қилади. Ушбу давр мобайнида Туркия – Эрон Кўшма иқтисодий қўмитаси йиғилиши ҳам Анкарада бўлиб ўтади.

Амалга оширилинадиган учрашувлар санасига тез кунларда аниқлик киритилади.

ЎХХ хабарлар бўлими

Туркия Украинага қурол етказиб бериши мумкин!

Крим татарларининг маънавий лидери ўлароқ қабул қилинган Қрим Татар Миллий Мажлисининг собиқ президенти ва Украина Парламенти аъзоси Мустафо Абдулжамил Қримўғли, Туркиянинг Украинага ҳарбий қурол-аслаҳа етказиб бериш масаласини кўриб чиқишга тайёр эканлигини айтган.

Қримўғли РБК-Украина номли нашриёти билан суҳбати давомида, ўзининг уч кун аввал Украина Мудофаа вазири Степан Полторакага Туркия Республикаси Мудофаа вазирлигидан бир мактуб етказганини, мактубда Туркия расмийлари Украинага керакли қурол-аслаҳа етказиб бериш масаласини кўриб чиқишга тайёр эканликларини билдиришганини айтган.

Туркия ҳарбий делегацияси Украинага ташриф буюради

Берган интервьюсида ўзининг ўтган ой Анқарага ташрифи ҳақида сўз очган Қримўғли, ўзининг бу ташрифида Туркия ва Украина орасидаги муносабатлар борасида музокаралар олиб борилганини таъкидлаган. Шунингдек Қримўғли, "Украинага тез орада Туркиядан бир ҳарбий делегация келади", деган. Туркиянинг НАТО тизимида оид бўлган қурол-аслаҳаларни етказиб бериши учун НАТОнинг розилиги лозим эканлигини хотирлатган Қримўғли, шунга қарамай Туркиянинг ўзи ишлаб чиқарган қурол-аслаҳаларни етказиб бериш борасида қарорни ўзи беришини таъкидлаган.

УХХ хабарлар бўлими



Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси 26 ижодкорни уюшма аъзолигидан ўчирибди!

Кимларни ўчиришни қанақадир «Эксперт гуруҳи» аниқлабди!

«Эксперт гуруҳи»...

Қулоққа хунук эшитилар экан. 37-йилларда машҳур «Учлик» (ўрисчада: «Тройка») бўларди: ким яшайди, ким отилади, ким Сибирга сургун қилинади, ким умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилади — ўша уч киши ҳал этарди! Энг даҳшатлиси — бу уч кишини биров билмасди!

«Эксперт гуруҳи» аъзолари ким? Ҳукмга имзо чекишибди, аммо «Уюшма» деган мажҳул номнинг орқасига яшириниб, тарқатилган ҳужжатга отларини қўйишмабди!

Ҳозирча ўзларини панага олганлари билан бир куни эл уларни билади-ку барибир! Номларини тарих унутмайди! Узлари тугул, бола-чақаларини ҳам уятга қолдирадиган ҳужжатга имзо чекишибди азаматлар!

Муҳаммад Солиҳни муҳолифат лидери ўлароқ аъзоликдан ҳайдадик деса, унда қолганлар-чи?

Сулаймон Раҳмон, Гулчехра Нуруллаева, Мамадали Маҳмуд, Ёдгор Обид... булар камида 70 ёшнинг нари-берисидаги ижодкорлар. Хуршид Даврон улардан бир оз ёшроқ, аммо у Ўзбекистон халқ шоири! (Рўйхатни тўлиқ кўрмаганим учун бошқаларни билмайман). Хайрият, бу «эксперт гуруҳи» буларни адабиётдан ўчира олмайди, бўлмаса жазаванда ҳар нарса қилвориши мумкин эди.

Дейлик, Мамадали Маҳмуд 17 йил қамоқда ётди, ўшанда ўчирмай, энди уч йилдан бери озодликда

яшай бошлаганида ўчиришди. Мантиқларини тушуниб бўлмайди.

Сулаймон Раҳмон ўтган йили шу пайтлари инсулт бўлиб яқин олти ой бир жойда ётиб қолди. Орада унга қараб ўтирган аёли оламдан ўтди. Энди тета-поя юра бошлаганида... бунинг устига кекса ёшида... Уюшма уюшма бўлиб аъзосидан бир марта хабар олиш ўрнига, қилган ишини қаранг!

Яқиндагина «Одамларда қолдир виждонни» деган сайланма китоби нашрдан чиққан, унда Сулаймон ака халқимизнинг улуғ шоири эканини исботлаган эди! Мана сизга уюшманинг «ташақкурнома»си!

Лекин одамга таскин берадиган нуқта — «ўчирилган» бу ижодкорларнинг обрўйи, истеъдоди «Учирганлар уюшмаси»га аъзолик билан ўлчанмайди.

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон

Манба: Facebook.com

Дўстимнинг иқрори

“Мен балчиқда бўлсам, Муҳаммад Солиҳнинг “Пайгамбарлар тарихи” китоби тоғ... Мен қандай қилиб ёзаман бу китоб ҳақида? Мен ожизман...”

Бугун Ўзбекистон Миллий хавфсизлиги хизмати турмаларидаги маҳбусларнинг 90 фоизи “мустақиллик болалари...” Уларнинг ҳаммаси шу мустақиллик йилларида ақлини таниди...

Мен Ўзбекистондаги Каримов тузумини ағдариш ҳаёлини тасаввур қилолмайман. Бу билан ақлимни банд қилолмайман...

Бу йўлни танлаганлар учун эса қарши эмасман. Аслида, улар томондаман...

Ҳамма гап шундаки, мен ўзбек жамиятини ислоҳ қилиш учун узок йўлдан боришга қарор қилдим. Тузумни ағдариш — яқин йўлдир, эҳтимол...

Мен мактабдан бошлаб болаларни тарбияламоқчиман... Таълим бермоқчиман... Уларнинг хур инсонга айланишларини кўришни истайман...

Муҳаммад Солиҳни яхши кўрасиз... Бир инсонга муҳаббат қўйиш, уни Оллоҳ учун севиш қанчалик яхши! У инсонни мен ҳам яхши кўраман... Имкони бўлса, у кишидан мен учун дуо олсангиз...

Бизнинг мақсадимиз битта, йўналишимиз турлича, холос. Аммо бирлашиш керак бўлганда, бирлаша оламиз. Ҳозир эса мен ўз йўлимдан бораман...»

Гўрўғли

Бир куни эрталаб беҳаловат уйкудан уйғонган Грегор Замза ўзининг баҳайбат ҳашаротга айланиб қолганини кўрди. У чалқанча ётар, елкасини совутдай суяк қоплаган эди. Бошини кўтарган эди, қорнида пайдо бўлган суяксимон тангачаларга кўзи тушди. Кўрпа дўппайган жигарранг қорнидан сирғалиб ерга тушай-тушай деб турарди. Танасига нисбатан аянчли даражада кичик оёқлари кўз олдида тинмай питирларди.

— «Менга нима бўлди ўзи?», — деб ўйлади у. Ахир, бу туш эмас-ку. Ўша қадрдон хона. Топ бўлса ҳам одам яшайдиган хона, ўша тўрт девор. Столда ҳар хил газмоллардан қирқиб олинган намуналар сочилиб ётар эди. (Грегор Замза коммивояжер эди). Столнинг тепасида тилла суви юритилган ромда яқиндагина ўзи журналдан қирқиб олган портрет осилиб турарди. Унда мўйна шляпа билан горжетка кийган қадди равон хоним ўтирар ва қирқма енга тикилган кўлини чўзиб турарди.

Грегор ташқарига қаради. Тунд ҳаво, дераза тоқчасидаги тунукага урилаётган ёмғир томчилари кайфиятини баттар тушириб юборди. «Яна жиндай ухласам яхши бўларди. Ҳар хил бемаъни нарсаларни унутиш керак», деб ўйлади у. Аммо энди ухлаш осон эмас эди. У доим ўнг ёнбошини босиб ётишга кўниккан, аммо ҳозирги аҳволда ёнбошга ўгирилиш амримаҳол эди. Грегор қанча уринмасин, яна чалқанчасига ағдарилиб тушаверди. Тинимсиз типирчилаётган оёқчаларини кўрмаслик учун кўзини юмиб, ёнбошига ётмоқ учун яна бир уриниб кўрди. Бутун кучини тўплаб, ҳаракат қилди — бўлмади. Ниҳоят, ўнг биқинида ўзига нотаниш бир оғриқни, сўниқ симиллаётган оғриқни сезди-ю, ҳаракатдан тўхтади.

— «Ох, парвардигор! — деб ўйлади у, — нега бу даҳзама касбни танладим ўзи! Ҳар куни чоп-чоп, югур-югур. Ҳар куни қаергадир жўнаш керак. Борадиган шаҳарда иш жойингдагидан ҳам кўпроқ ташвиш, бу ҳам етмаганидай, йўл азобию поездлар жадвалини ўйлашинг керак, доимий очнаҳорликка чидамоғинг лозим. Яна ҳар хил нотаниш одамлар билан носамимий суҳбатлашишга, битимлар тузишга мажбурлигини айтмайсанми! Жин урсин ҳаммасини!» Грегорнинг бирдан



Франц Кафка. Эврилиш (ҳикоя)-1

қорни қичиша бошлади. Бошини кўтариш ўнғай бўлиши учун ётган жойида қаравот панжараси томон силжиди, қичиётган жойни топиб, оёқларининг бири билан қашламоқчи эди, аммо шу заҳотиёқ оёғини тортиб олди, чунки баданига сал тегилса, Грегор безгак тутгандай қалтирай бошларди.

У яна аввалги ҳолатига тушиб ётди. «Ҳар куни саҳарлаб тураверсанг жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмас, — деб ўйлади у, — одам тўйиб ухлаши керак. Бошқа гумашталар қанисакларга ўхшаб яшайди. Масалан, мен буюртмаларни кўчириб ёзиш учун меҳмонхонага қайганимда, бу жаноблар эндигина нонуштага ўтирган бўлади. Мен ҳам уларга тақлид қилгудай бўлсам, хўжайин шу қуниёқ ишдан ҳайдайди. Ким билади, балки бу мен учун яхши бўлармиди. Агар ота-онамни ўйлаб, ўзимни тиймаганимда, аллақачон ариза ёзиб ишдан бўшардим-да, хўжайиннинг ёнига бориб, кимлигини юзига шартта айтар эдим. Ана шунда у ўз чўққисидан гурсуллаб тушарди. Хўжайиннинг ғалати одати

бор: идора — унинг чўққиси. У ўша чўққидан туриб хизматчилар билан мулоқот қилади. Бунинг устига қулоғи қар, гап тушунтирмак учун албатта унга яқин келиш — лаънати идорага бориш шарт. Ҳар қалай, ноумид шайтон: хўжайиндан ота-онамнинг қарзини узаман-да, бунга беш-олти йил керак, холос, — айтганимни қиламан. Ана

ўшанда биз у билан ҳисоблашамиз. Ҳозирча бу ҳақда ўйламай ўриндан туриш керак, поезд соат бешда жўнайди.»

У сандиқ устида чиқиллаётган соатга қаради. «Э худо!» деб юборди ичида Грегор: соат олти ярим эди. Йўқ, йигирмата кам олти... Соат миллари бамайлихотир яна олдинга силжимокда эди. Наҳотки, жирингламаган бўлса? У роппа-роса тўртда жиринглаши керак эди, шубҳасиз жирингланган ҳам. Аммо хонадаги мебелни титратиб юборишга қодир бу шовқиндан уйғонмагани қизик. У нотинч, балки шунинг учун қаттиқ ухлаган. Энди нима қилиш керак? Навбатдаги поезд соат еттида жўнайди. Унга улгуриш лозим. Ҳали газмол намуналари жойлаштирилмаган, устига-устак Грегорнинг таъби хира, ўрнидан туришга ҳафсаласи йўқ. У поездга улгурган тақдирда ҳам хўжайиндан сўкиш эшитилади: савдо уйининг ходими — соат бешда кетадиган поездни кузатадиган

навбатчи — Грегорнинг кечикканини хўжайинга аллақачон етказган. Бу бефаросат ва иродасиз одам — хўжайиннинг ўнг қўли. Тобим қочиб қолди, деса-чи? Йўқ, бу ноқулай — шубҳа туғдириши мумкин, чунки Грегор беш йил хизмат мобайнида бирор марта ҳам касал бўлган эмас. Агар тоби қочиб қолса, хўжайин дарров касса беморхонасининг врачини судраб келади. Ота-онасига Грегорни кўрсатиб, врачнинг фикрини, «Дунёда касал одам йўқ, лекин ҳамма меҳнатдан қочади», деган фикрини рўқач қилиб, ҳеч кимнинг оғзини очирмайди. Ахир, Грегор бугунги аҳволида ўзича ҳақ-ку... Фақат шунча ухласа ҳам уйкуга тўймаганига ҳайрон эди. Шуниси бўлмаганда, Грегор ўзини деярли яхши ҳис қилар, ҳатто ўлгудек оч эди.

У ётган жойидан туришга юраги бетламай, шуларни ўйлар экан, соат чорак кам еттига занг урди, кимдир эшикни секин тақиллатди.

— Грегор, — (чакирган онаси эди), — соат чорак кам етти бўлди, жўнашинг керак эди-ку?

Бу меҳрибон овоз! Лекин Грегор ўз жавобидан — бўғзидан чиққан ғалати товушлардан кўрқиб кетди. Гарчи бу ўз овози бўлса-да, унга қандайдир зоҳирий товуш — хаста бир чийиллаш кўшилиб, айтган сўзлари фақат бир лаҳзагина

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

равшан эшитилди-ю, сўнг маъносини англаш қийинлашди. Эшитган кимса ўз қулоғига ишонмай қоларди. Грегор онасига нима гаплигини батафсил тушунтирмоқчи бўлди, аммо ахволининг танглигини эслаб, қисқагина:

— Ҳа, ҳа, раҳмат, она. Ҳозир тураман — деди.

Ёғоч эшик орқасида унинг овози ўзгариб қолганлигини онаси англамади шекилли, унинг хотиржам узоқлашаётган қадам товушлари эшитилди. Лекин бу қисқа суҳбат қолган оила аъзоларининг диққатини жалб этди. Грегорнинг ҳали ҳам кетмаганлиги уларни таажжубга солди, отаси ён эшиклардан бирини секин, аммо мушти билан уриб:

— Грегор! Грегор! — деб кичкирди. — Нима гап ўзи?

Бошқа эшик ортидан Грегорнинг онаси оҳиста:

— Грегор, тобинг қочдимиз? Ёрдам керак эмасми? — деди ачиниб.

Грегор: «Ҳозир чиқаман!» деб жавоб қайтарди. Бу икки сўзни айтаётиб, уларнинг ҳар бирини алоҳида, аниқ равшан талаффуз қилишга тиришди. Буни карангки, отаси бамайлихотир изига қайтиб, нонуштага ўтирди. Фақат онаси ҳамон эшик ортида шивирларди:

— Грегор, эшикни оч, очоқол, ўғлим!

Аммо Грегор очишни хаёлига ҳам келтирмасди, ҳар хил меҳмонхоналарда тунайвериб, доим эшикни занжирлаб ётишга одатланганини эсладию ичида хурсанд бўлди.

Йўқ. У аввал ўрнидан туриб, кийиниши керак. Кейин бир гап бўлар. Чунки Грегорга аён бўлдики, каравотда ётганда бошга бирор тузук фикр келмайди. У илгари ҳам бугунгига ўхшаш ҳолат бошидан ўтганини эслади: масалан, гоҳида, ноўнғай ётганиданми, танасида қандайдир оғриқ сезарди-ю, аммо ўрнидан турган заҳоти оғриқ йўқолар, Грегор бунинг тасаввур ўйини эканлигини тушунар эди. Грегор ҳозир ҳам бугунги рўенинг тумандай тарқалиб кетишини кизикувчанлик билан кутиб ётарди. Овозининг ўзгариб қолгани эса — гумашталарнинг ҳаммасига хос касалликдан далолат — шамоллаш оқибати, бунга шубҳа йўқ.

Кўрпадан чиқиш унчалик қийин бўлмади: Грегор қорнини

Франц Кафка. Эврилиш (ҳикоя)-1

сал шиширган эди, кўрпанинг ўзи сирғалиб полга тушди. Ишнинг қийини олдинда: негаки, Грегорнинг танаси япаски ва ҳаддан ташқари катта: суяниб туриш учун унга қўл керак; аммо қўл ўрнида саноксиз заиф оёқчалар тартибсиз типирчилар, Грегор уларни мутлақо бошқара олмас эди. Айтайлик, у оёқларидан бирини букмоқчи бўлса оёқ унга бўйсунмай чўзилар, бир амаллаб уни букишга мажбур қилса, қолганлари худди озодликка чиққандай, тинимсиз типирчилай бошлар эди. «Зудлик билан ўриндан туриш керак!», деди ичида Грегор.

Дастлаб у гавдасининг пастки қисмини тўшакдан озод қилмоқчи бўлди (дарвоқе, гавдасининг бу бўлагини ҳали кўрмаган, тасаввур ҳам қилолмас эди). Лекин бу жойининг ниҳоятда камҳаракат эканлигини сезди. Хуллас, иш жуда секин борарди. Шунда унинг жаҳли чиқиб, бор кучи билан олдинга ташланди, аммо мўлжалли нотўғри олди шекилли, гавдасининг пастки қисми каравот симларига тегиб, каттиқ оғриди, Грегор билдики, гавдасининг ана шу бўлаги — энг нозик жой экан.

Шу боис Грегор аввал ўзининг бош томони билан ерга тушишга уриниб, бошини каравот четига бура бошлади. Бу иш унча қийин бўлмади. Катта ва оғир бўлишига қарамай, гавда ҳам бошнинг изидан силжий бошлади.

Ниҳоят боши каравотдан осилиб қолганда Грегор кўркиб кетди, чунки йиқилиб тушса, боши лат эмасдан қолмас эди. Хушдан кетиши мумкин эмас, айниқса, ҳозир мумкин эмас. Ҳозирча ўрнида ётгани маъқул.

Аммо у нафасини ростлаб, аввалги ҳолатига қайтганда, гужғон ўйнаётган оёқларини кўриб, уларни тартибга келтирولмай овора бўлганида, Грегор каравотдан иложи борича тезроқ тушиш лозимлигини, ҳамма нарсани қурбон қилиб бўлсаям, бу ўриндан тезроқ қутулиш кераклигини англади. Шу билан бирга кизиққонликдан фойда йўқлигини, ҳаммасини пухта ўйлаб кўриш зарурлигини ҳам эсдан чиқармасди. Грегор кўзларини йириб деразага қаради. Аммо кўчанинг нариги бетини ҳам кўриб бўлмайдиган туманда кўнгилга таскин берувчи

бирор нарсани илғаш амримаҳол эди. «Аллақачон соат етти бўлди, — деб ўйлади Грегор соат занг урганда, — соат етти, туман бўлса ҳалигача тарқгани йўқ. Грегор бир лаҳза жим ётди, гўё бу жимлик уни табиий борликқа қайтаришини кутгандай, сокин нафас олиб ётди. «Нима қилиб бўлса ҳам, соат еттидан ўн бешта ўтмай, бу лаънати каравотни тарк этмоқ зарур. Айтгандай, шу орада мени сўраб келишлари ҳам мумкин. Ахир, идорада иш соат еттидан олдин бошланади-ку!» Грегор бутун танасини ишга солиб, бир маромда чайқалганча каравотдан тушишга уннади. Агар шу алфозда ерга йиқилса-ю, бошини кўтариб қолишга улгурса, балки боши лат эмас. У елкаси тошбақа косасидай каттиқ эканлигини билар, гилам устига тушса, ҳеч нарса бўлмайди, деб ўйларди. Уни йиқилган пайтида чиқадиган шовқин, гурсуллаган товуш кўпроқ ташвишлангирар эди. Негаки, уйдагилар бу шовқинни эшитиб, кўркиб кетмаса ҳам, ҳарҳолда анча безовта бўлади. Лекин, начора, бошқа илож йўқ.

Грегор чайқала-чайқала каравот чеккасига келди. Гавдасининг деярли ярми полга осилиб турарди. Унинг ҳаракати машаққатли меҳнатдан кўра, кўпроқ ўйинга ўхшарди. Грегор каравотда осилиб турар экан, «Ҳозир менга ёрдам берса иш анча осон кўчарди», деб ўйлади. Иккита кучли одам — у отаси билан хизматқор қизни назарда тутди — бўлса бас: улар Грегорнинг дўнг елкасидан кўтариб ерга туширишса, кейин Грегор қорнига ағдарилаётганида кўз-қулоқ бўлиб туришса кифоя: шунда Грегорнинг мўъжаз оёқчалари ҳам қандайдир моҳият касб этармиди. Йўқ, йўқ, ҳатто эшик очик бўлса ҳам Грегор ҳеч кимни ёрдамга чакирмайди. Бу фикрдан — ахволининг аянчлигига қарамай — ичида кулиб қўйди.

Грегор типирчилай-типирчилай каравот четига келиб қолди, зўрга мувозанат сақлаб, энди ағдарилмоқчи эди, дафъатан кўча эшигидаги кўнғироқ жиринглади.

(Давоми келгуси сонда)

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов